

О‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 28-iyul №29 (4740)

Адиб ва жамият

Шеърӣ лаҳза

ГЛОБАЛИЗМ ВА РУМИЙ

Учоклар, тезорар поездлар, машиналар, телефон, интернет сингари техника воситалари одамларнинг ўзаро мулоқотларини тезлаштирди, албатта. Айни дамда, ушбу воситалар одамлар ўртасида жуда катта муаммоларни ҳам келтириб чиқарди, чирокмоқда. XX асрга жуда кенг, ҳатто кекисиз деб билинган дунё XXI асрга келганда ўё каттақон бир уйдек бўлиб қолди. Бир пайтнинг ўзига "бир неча мамлакатнинг ватандоши" ва ҳатто "дунё граждани" деган тушунчалар пайдо бўлди. Лекин одамлар ўртасидаги мулоқот, уларнинг бир-бирларига, маданиятларига, қадриятларига бўлган муносабати хали-халигача ижобий асосда тўлиқ хал қилинган эмас. Худди мана шу

Жалолиддин Румий ва унинг “Маснавий”си ҳақида Жомийдан ўқиб-қараб бирон сўз айтиш маҳоллигига эътифдор эътиборимиз ҳолда, унинг мазкур асарининг ўзбекча амалга оширилган янги, бебаҳо таржимаси атрофидан имконимиз доирасида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Дүстимга дедимки, Румий ва Толстой учрашувини, суҳбатини тасаввур қилиб кўр!” У жавоб берди: “Тасаввур қилдим. Толстой савол беради, Румий эса жавоб”. Тўғри, Шарқнинг ҳамма саволларга жавоби бўлган ўша вақтда. Кейин эса ўйлаб

Ўтган минг йилликлар давомида башариятнинг сара хаёлпараст фарзандлари идеал дав-

XIX ва, айникас, XX асрга келиб факат шоир ёки ёзувчи бўлишнинг ўзи етмай қолди. Чунки илм-фан ривожланиб, уларнинг ютуқлари адабиётнинг битта қанотига айланди. Илм-фан ютуқларини ҳисобга олмаслик эса, ижодкор қўлини қалта қилиб қўйди. Эътибор беринг, бун ҳол айникас. XX асрга келган-

Фрейднинг жинсий эҳтиёжнинг инсон ҳаётидаги улкан роли тўғрисидаги бутун бошли назарияси Руминийнинг биргина «Кайса таҳаммулидан ортиқ эҳтирос берилгани учун у Мажнунга айланди» («Ичиндаги ичиндаҳид») жумласидаги фикри билан ҳамоҳанг... Бунга ўхшаш кўплаб мисоллар мавлоно Руминийнинг одам ва олами ўрганишида ўз даврдан нихоят даражада илгарилаб кетганини англатади.

2

ЮРПТИМНИИТ ЁЗИ

Шаркираб-шаркираб оккан ариклар,
Англадим, заминнинг сохир овози.
Олов атиргуллар – сулув ошиқлар,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Кўхлик қизлар каби юзи қизармиш
Ва ё бу, шунчаки, олмалар нози.
Қушчалар тилида санойи хониш,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Чарос – боғ-роғларнинг мунис нигоҳи,
Бир ҳикмат хабари олча-гилоси.
Таърифнингга тилим лол бўлар гоҳи,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Мен меҳр кўраман куёш тафтида,
Бўлиқ бугдойзорлар – далалар рози.
Осмон ҳам эъзозда дарё кафтида,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Эй мағрур тоғларим, ибрат мактаби,
Дилбандлар қувончи диллар баёзи.
Неъматлар шукридан қалблар матлаби,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Сени севганимдан кўнглим нурафшон,
Сенсан ҳаётимнинг файзи, фаёзи.
Ишқинг мадҳ айлаган куйчи шоирман,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Ғайрат МАЖИД

МАНТИҚ БОШ МЕЗОН

ТАЛАНТНИИГ САЙҚАЛЛАНИШИ

Ғафур Ғулом “Абдурахим Ғайратий деган ўртоғим тўғрисида” номли мақоласида киндик қони тўкилган маскан ҳақида маълумот бериб, шундай сўзларни ёзган: “Тошкентда Хадра деган жой бор. Ана шу ерни марказ деб билиб, оёқларга ярим километрли паргар кўйиб, бир доира чизангиз, эски Кўргонтеги, Кўғирмок, Дегрез, Товкуш ва Девонбеги маҳаллаларини ўз ичига олган доира ҳосил бўлади. Шу маҳаллаларда Ойбек (Мусо), Зиё Саид, Ойдин опа, Ғайратий (Абдурахим), фан доктори Аскарров, фан доктори Наҳидминов, Аброр Ҳидоятлов ва мен туғилганмиз”.

Шоирнинг жияни Ҳамидулла Ҳусанов таниқли журналист ва драматург Абдуқохор Иброҳимов билан қилган суҳбатида хозирги Ўзбекистон Миллий академик драма театри жойлашган бинони назарда тутиб, бундай деган:

“Илгариги “Ватан” кинотеатри, хозирги Ҳамада номидиги театр қаршидадиги сойлик (авваллари, то “Пахтакор” стадиони қурилгунига қадар бир неча тегирмон сув оқаридиги) нариги томонида Кўргонтеги маҳалласи жойлашган. Тошкент маҳаллаларидан ҳар бирининг бирор тарихий воқеа ёки шахс, аҳолининг касб-қори ва турмуш тарзи ёки бўлмаса, ғуфурой ўрни билан боғлиқ аjoyиб номи ҳамда тарихи бор. Бу ҳақда Ғафур акам менга жуда кўп хикояларни айтиб берганди. Эгарчи, Ўқчи, Чувалачи, Чакар, Оқлон; Камолон, Қорёғди, Сакичмон, Лангар, Сарик Хумдон, Қўштут, Ҳожи Машиқ, Ҳалимқўн, Мозорхон, Баланд Масжид, Қоратош, Қози кўча, Табиб кўча, Пичоқчилик, Бедабозор

Наим КАРИМОВ,
академик



ва ҳокazo маҳаллалар катори, Кўрғонтеги маҳалласининг ҳам ўз тарихи бор. Қадимда шу ерда бир кўрғон бўлган, атрофида уй-жойлар вужудга келган. Шу кўрғонга нисбат бериб, ҳалқ бу ерни “Кўрғонтеги маҳалласи” деб юртия бошлаган; “Қаерда турасан?” деган саволга “Кўрғонтегида”, деб жавоб берган”.

Ғафур Ғуломнинг бояги маколасида айтилишича, Қўрғонтеги маҳалласининг жаттавури томонидан Ўрдани кесиб ўтадиган қаунахор сувининг бир “қўл”и – ирмоғи оккан бўлиб, у хозирги Навоий кўчасига туташиб, чуқуриқайдан ўтган. “Биз шу ерда кия-лангоч бўлиб олиб, то кўкариб кетгунча чўмилар эдик. Оталаримиз ёки оналаримиз тойдан хипчиб олиб, токи уйга ҳайдагунча чўмилар эдик”, деб эслagan шoir.

▶ 4-5

Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши томонидан “Иқтисодиёт, молиявий саводхонлик, тадбиркорлик асослари ва меҳнат бозорида рақобат қилишга тайёргарлик” фани бўйича ишлаб чиқилган стандарт, ўқув дастур ва контентлардан умумий ўрта таълим мактабларининг 8-, 11-синфлари учун тажриба-синов жараёнини самарали ташкил этиш, уни амалиётда қўллаш бугунги таълим тизимида ўзига хос янгиликлардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан, жорий йилнинг 23 июлидан Фаргона вилоятида ўз ишини бошлаган 8 кунлик “Ўзбекистонда ёшларни ишга жойлаштиш кўникмаларини шакллантириш” дастури доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадидагиқ изланишлар, муҳокамалар айлани кунларда ҳам давом этмокда. Улардан келиб чиқадики хулосалар мамлакатимизда таълим соҳасига берилаётган эътиборга жавобан натижаларга олиб келиши табиий. Вилоятнинг Фаргона, Олтиарик, Учкўприк туманлари учун пилот(тажриба-синув) мактабларида дастур, дарсликлари тажриба-синувдан ўтказиш мақсадида

Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

ИЛФОР ҚАРАШЛАР, ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



нинг амалий натижаси сифатида аҳамият касб этди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги ПФ-79 “Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлар

тўғрисида”ги фармоннинг 1-ило-
васида ўқув ва тарбия жараёнига
халқаро талаблар асосида ишлаб
чиқилган ўқув режа, дастур ва
ўқув-методик мажмуалар ва замо-
навий педагогик технологияларни
жорий қилиш назарда ту-
тилган.

2

ИЛҒОР ҚАРАШЛАР, ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Бошланиши 1- саҳифада

Қолаверса, Румий бир пайтнинг ўзида инсонга рухий, биологик ва ижтимоий илдизга эга мавжудот сифатида қарайди. Румий меросининг эскирмаётганини, аксинча, тобора – ҳар даврда уни энг илғор замондошлар сафига олиб чиқаётган сабаблардан бири ҳам айнан шу ерда – унинг улуг мутасаввуф шоирлигидан ташқари, жуда катта қомусий олим эканлигидадир.

Тажриба алмашиш, мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ёшларни шиддат билан ўсиб бораётган замонга мос билим ва кўникмага эга Янги Ўзбекистон фуқаролари қилиб тарбиялаш юксак мақсадидаги қалби ёник малакали ўқитувчилар республикамизда кўплаб топилади. Таълим соҳасида дунё янгиликларини ҳаётга тағбиқ этиш учун изланишда, доим ҳаракатда, ўз устида ишлашда фаол бўлган фидойи устозлар фаолияти таҳсинга сазовордир. Улар орасида пойтахтимиз Тошкентнинг Яшнабод туманидаги 166-умумтаълим мактабининг олий тоифали “География ва иқтисодий билим асослари” фани ўқитувчиси Саодат Боранбоева ҳам бор.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган устивор вазифалар бизга маёқ сифатида хизмат қилади, – дейди Саодат Ҳасановна. – Унда халқ таълими ходимларини уларнинг малака даражаси, билими, илмий-педагогик салоҳияти, иш тажрибаси ҳақида сўз борар экан, психологик тайёргарлиги ва индивидуал касбий ривожланиш траекториясига мос келадиган табақалашган малака ошириш дастурлари бўйича ўқитиш

амалиёти зарурлигига аҳамият берилган. Бундай амалиётнинг йўлга қўйилиши жуда зарур. Нега деганда, анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган, масофавий ва бошқа турлари жорий этилиши ҳозирги давр талабидан келиб чиқади. Қарорда бу ҳақда ҳам айтиб ўтилган. Бугунги кунда бизнинг фаолиятимиз марказий йўналишини мана шу тарзда ташкил этилиши таълим соҳасидаги янгиланишларнинг амалий исботидир.

Саодат Ҳасановна фаолият юритаётган 166-мактабда таълим-тарбия рус тилида олиб борилади. Ўқувчилар сони 2700дан ортиқ мактабда 76та синф борлигини тасаввур этиш ҳам бу ўқув маскандаги таълим-тарбия ишлари кўламини тасаввур этишга ёрдам беради. Саодат Ҳасановнанинг 33 йиллик ўқитувчилик тажрибаси янгиланишлардан хабардорлик, доимий изланишлар туфайли бойиб боради. Обрў-эътибори ҳам шунга яраша барча хавас қилгулик.

– Ҳар бир дарс катта бир асар эканлиги ҳақидаги ўғит энди-энди педагогик фаолиятимни бошлаган кезларимдаёқ қулоғимга ўрнашиб қолган, – дейди у. – Шунинг учун ҳар бир дарсга ўқувчиларга дунё ҳақидаги кўламли йирик асарни тақдим этишим кераклиги масъулиятини унутмаган ҳолда тайёргарлик кўраман, бир соат дарс ўтади кетади, деган гапга қўшилмайман, мурғак қалблар оламини сенинг сўзларинг орқали идрок этади – бу унинг тақдирини хал қилади, дунёнинг келгуси манзарасини ана шундай тақдирлар хал қилади.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида илгарилари ҳаёлга келтириш мумкин бўлмаган лойиҳаларнинг пайдо бўлиши Саодат Ҳасановнанинг ўқитувчи сифатида салоҳиятини, истеъдодини янада кенг намоён этишига имконият яратди. “Солиқлар”, “Молиявий саводхонлик” лойиҳалари шулар жумласидан

бўлса, “Онлайн-мактаб” орқали ўрта мактаблар учун 150дан ортиқ дарс, “Онлайн-репетитор” орқали 10дан ортиқ машғулотлар, “Онлайн – ўқитувчилар малакасини ошириш” орқали курслар, “Таянч-мактаб”да география ва иқтисод билим асослари фани бўйича туман ва шаҳар мактаблар ўқитувчилари учун олиб борган семинар ва тренинглари унинг малакасини оширишга хизмат қилди.

– Республика таълим маркази услубий кенгаши аъзоси сифатида Саодат Ҳасановна ўқув дастурлари ва дарсликларни сифатли, ҳар томонлама мукаммал чиқишида жонбозлик кўрсатиб келади, – дейди мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази методисти Майрам Ҳожиёва. – Умумтаълим мактабларининг 2017 йил 11-синф “Тадбиркорлик асослари”, 2019 йил “Иқтисод билим асослари” 2022 йил 7-синф география дарсликлари, 7-10-синф география фани ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни, ўқув дастурлари ва дарсликларини яратишда, 6-синфга мўлжалланган “Табиий фанлар” (SCIENCE) ўқув дарсликларини ҳам Саодат Ҳасановна таржима ва тақриз қилиб берганини айтиш лозим. “География” ҳамда “Иқтисод билим асослари” фанлари бўйича ўтказилаётган олимпиадаларда унинг ўқувчилари ҳамиша ғолибликни қўлга киритиб келади. Ҳар йили “Озон қатлами муҳофазаси” деб номланган давримиз учун ғоят долзарб ҳисобланган танловда иштирок этиб келмоқда, унинг олий ўқув юртиларида молия, иқтисод йўналишлари бўйича таълим олаётган шогирдлари етакчи ўринларни эгаллашганини айтиб ўтиш жоиз.

Саодат Боранбоева ўқитувчилик нақадар кенг кўламли, изланишларга бой касб эканини ўз фаолияти орқали амалда исбот эта олган фидойи инсонлардан. Унинг соҳадаги хизматлари алоҳида эътироф этилиб, “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган. “Халқ таълими аълоҳиси”, “Халқ таълими фидойиси” ва яна қатор дипломлар, фахрий ёрликлар эгаси, танловлар ғолиби бўлган. Энг муҳими эса, унинг илғор қарашлари, ўз касбига янгича ёндашувлари юзлаб шогирдлари тақдирда акс этган. Янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг турли жаҳаларида улар устоз изидан бориб, сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Энг нуфузли олий ўқув юртиларида таълим олиб, турли соҳаларда ҳалол фаолият юритишмоқда.

– Саодат Ҳасановна чуқур билимли, юксак салоҳиятли мутахассис, – дейди унинг шогирдларидан бири, Ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб география фани ўқитувчиси Гулсара Очилова. – Ўз билимини ёшларга ўргатишдан чарчамайдиган жонқуяр устоз, нафақат география, балки иқтисод фанининг ҳам билимдони экани биз шогирдларида ҳамиша хавас уйғотиб келган.

Бундай эътирофлар, миннатдорчилик сўзларини юзлаб, минглаб шогирдлари қалби тўрида эъзозлаб саклашини ҳис этиш Саодат Боранбоева ҳаётининг мазмунини ташкил этишини яхши билади.

Хулқар ҲОТАМБОЕВА

Яхшилар ёди

РУҲИЯТ МУСАВВИРИ

Аёвсиз ажал миллатнинг турмуш тарзи ва рухий дунёсини теран биладиган ҳамда ўқиганини мувоzanатдан чиқарадиган йўсинда тасвирлай оладиган атокли ёзувчи Лукмон Бўрихонни орамиздан олиб кетди. Ҳом сўт эмган биз бандаларга ёнимизда юрган ҳар бир одамнинг омонат эканини туймаслик ҳусусияти хос. Шунинг учун ҳам Лукмоннинг ўлимини ақлга сиғдириб бўлмайди. У жуда ёш, бақувват ва соғлом, яшашга ғоят ташна йигит эди. Унинг орамиздан кетиши яшнаб турган кўркам оғочнинг тўсатдан қуриб қолишидай ҳол бўлди.

Лукмон Бўрихоннинг юксак маҳорат соҳиби эканини тасдиқлайдиган омил унинг ҳар қандай ҳодиса замирида қонуният борлигини кўра ва кўрсата билишида намоён бўларди. У одамлар ва улар билан юз берган воқеаларнигина эмас, балки буларнинг сабабларини ҳам бутун мураккаблиги билан тасвирлай оладиган ёзувчи эди. Маълумки, бундай сабаблар ҳеч қачон юзада бўлмайди. Лукмон ўз битикларида ҳамиша ички моҳиятни акс эттиришга эришарди.

Лукмон қиска умри давомида “Жазира-мадаги одамлар”, “Темир йўл”, “Занжир-банд шер”, “Бегоналар юрмас бу ерда”, “Имом Мотуридий”, “Титраётган то” каби салмоқли романлар; “Хизр кўрган йигит”, “Қидирувдиги киз”, “Сирли муаллим”, “Бир томчи ёш”, “Қуёш ҳали ботмаган” сингари жозибador киссалар ҳамда ўнлаб татмили ҳикоялар яратди. Бу битикларда ўзбекнинг ҳаёт йўсини, рухий олами, туғумлари ҳаққоний ва тасвирли акс эттирилган.

Олам ва одамга ғафат ўзингана хос назар билан қарайдиган Лукмон Бўрихон ҳаётда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг концептуал асосларини кўра биларди. У олам ва одамларнинг ҳеч қим пайкамаган, изоҳлаш ҳаёлига ҳам келмаган жиҳатларини кўрар ва бадий акс эттирар эди. Шунинг учун ҳам “Жазирамадаги одамлар” романи совет давридаги кишлоқнинг абгор аҳоли акс этган шунчаки бир роман эмас, балки бутун бир жаҳият таназзулининг ижтимоий-иқтисодий, рухий-маънавий сабаблари теран ва ишонарли кўрсатиб берилган ўзига хос бадий тоқус бўлди. Унда ҳоҳ одамга, ҳоҳ табиатга бўлсин, яхши ниятда қилинган зугум ҳам зулм экани ва у шунга яраша натижа бериши ҳаққоний акс эттирилганди.

“Имом Мотуридий” романи ҳам қадим тарихда ўтган ғафхнинг бошидан кечган воқеалар тўғрисидаги битик эмас, балки исломни ақлан ағлаш ва қалбан туйиш ҳамда бу жараёнда таяниладиган шаръий ақидаларни тушунишнинг бутун азобу қувончлари акс эттирилган фалсафий-психологик асар. “Бир томчи ёш” киссасида норасо жаҳият тушунмаган, аёвсиз тузум бағри-



га сиғдирмаган даҳо ижодкорнинг консиз фожиаси кўрсатиб берилган. “Қуёш ҳали ботмаган” киссасида бугунги ўзбек ёшлари эзгу маънавиятли бўлишлари учун қандай йўллари босиб ўтишлари кераклиги ўта тасвирли ва ҳаққоний тасвирланган.

Лукмон Бўрихон бадий сўз жилваси ва тасвир имкониятини тўлиқ эгаллаган ижодкор эди. Унинг сўздан фойдаланиш маҳорати шунчалар эдики, ёзган публицистик ва очеркнамо битиклари ҳам бадий асардай ўқилиб, кишини чуқур ўйга толдирар эди. Унинг асарларидаги табиат тасвири аслида тинимсиз ўзгаришлар оғушидаги рухият манзараларидир.

Лукмон миллатини қаттиқ севарди. Тўғри, бу севги яланғоч айтимасди, ундовлар воситасида ифодаланмасди, балки барча битганларнинг замирига сиғдириб юборилганди. Шунинг учун ҳам унинг асарларига ошқора қулги уйғотмайдиган дардчил юмор, адоқсиз киноя йўлдош бўларди.

Ёзувчи Лукмон Бўрихон, биринчи навбатда, улкан шахс эди, унинг етук адиблиги ана шу шахслигининг натижаси эди. У ўзининг барча инсонлик руҳбаларида ана шу шахсиятга хос жиҳатларини тўлиқ намоён қила билди. Лукмон ота-онасига меҳрибон ўғил, болаларига жонфидо ота, яқинларига қунончак жигар, ўртоқларига ишончли дўст сифатида яшаб ўтди. Тўғри, у умрини жуда қиска фурсатда яшаб ўтди, лекин жуда кўпларнинг кўнглида мангулақ қолди.

Нимаям қилардик, ўлим ҳақ. Қисматга қарши бориб, уни тахрир қилиб бўлмайди. Яратган Лукмон Бўрихоннинг руҳини раҳаматиға олган бўлсин! Умид қиламизки, одамсевар адибнинг иккинчи умри узок бўлғай!

Қозоқбой ЙЎЛДОШ

ГЛОБАЛИЗМ ВА РУМИЙ

Бошланиши 1- саҳифада

Биз Румий асарлари, айниқса, бугун – глобаллашув даврида жуда катта аҳамиятга эга, дедик. Чиндан, улуг мутасаввиף ўз асарларини илгари сурган ғояларда замонавий дунё, замондош инсон дуч келиб турган кўплаб муаммоларнинг тайёр ечимлари яширин. Фақат бунини кўра билиш керак. Кўриш учун эса, чин дилдан исташ, ўз эғомиз хархашаларидан баланд кўтарила билишимиз шарт. Шу маънода, келинг, унинг маъно жавохирлари уммонларга қиёс эттулик “Маснавий” асарининг иккинчи дафтариға киритилган биргина ҳикоятини тушунишга ва замондош инсон ҳаётига шу ҳикмат ракурсидан туриб боқишга уриниб кўрайлик. “Мусо алайҳиссаломнинг чўпон муножотини инкор этгани” деган бўлим шундай бошланади:

*Йўлда бир чўпонни учратди Мусо,
Дерди тинмай: “Эй Худойим! Эй Худо!*

*Қайдасан, то Сенга бўлсам бир малай,
Чоригинг чокин тикиб, сочинг тарай.*

*Ўлдириб бит, то ювай тўнингни ҳам,
Келтирай олдингга сут, эй Мухташам!*

*Кел, оёгингни силаб, қўлдан ўнай,
Келса ўйқу вақти, Сенга жой тўшай.*

*Сенга бор эҳкимни қурбон айлағум!
Сени деб оҳ-зору тугён айлағум!”*

Демак, чўпон ўз даражасию тушунчасидан келиб чиқиб Аллоҳга муножот қил-

япти: “Эй, Худойим, қаердасан, кел, мен сенинг малайинг бўлиб, чоригингни тикиб, сочингни тарай, тўнингни ювиб, оёгингни укалаб, Сенга сут тутай, уйқунг келиб қолса, жой тўшлаб берай!” деяпти. Бунини эшитиб қолган Мусо алайҳиссалом эса норози бўляпти:

*Шул йўсин сўйларди чўпон норава,
“Қим билан сўхбат бу?” – деб сўрди Мусо.*

*Деди: “Улки, бизни пайдо айламыш,
Ер билан осмонни барпо айламыш”.*

*Деди: “Ҳай-ҳай, сен гуноҳ қилдинг азим,
Муслим ўлмай, қофир ўлдинг, эй лаим!..*

(О.Иқром таржимаси.)

Кимсан – Мусо пайғамбар чўпон билан мулоқотда хатога йўл қўймоқда: “Ҳақ таоло ундай муножот қилинмайди, у сенга ўхшаган одам эмас”, демоқда. Натижада Чўпон хафа бўлиб, ўзи билган, таниган Ҳақ таолодан узоклашиб, биёбонга чиқиб кетмоқда...

Ушбу ҳикоятни ҳозирги давр тилига кўчирсак, яъни замонавий тушунчаларга таржима қилсак, қандай бўлади?.. Ахир, ҳозир ҳам одамлар бир-бирларини бошқачароқ бўлгани учун, ўзларига ўхшамагани, ўзга тилда сўзлашгани, бошқа динга эътиқод қилгани ва шу каби “бегоналик”лар учун ёмон кўришади, душманлик қилишади-да. Ҳатто битта динлар ўртасида ҳам турли-ту-

ман мазҳаблар, секталар, йўналишлар мавжуд. Улар ҳам ўзаро рақибдек ҳаракатланишади: бир-бирларини айнан ана шундай шакллардаги тафовутлар учун айблашади, фитналар уюштиришади, урушлар қилишади. Чунончи, кейинги ўттиз йил ичида Ироқ, Сурия, Исроил, Фаластин, Афғонистон, Украина, Африка, Босния, Кавказ каби мамалакат ва минтақаларда рўй берган қонли тўқнашувлар замирида сиёсий, иқтисодий, ҳудудий, диний манфаатлардан ташқари бир-бирларини айнан бошқача бўлгани



Чоримурод Язмуродов (Туркменистон). Жалопиддин Румий. 2021 йил.

учун ҳам ўлдириш ҳоллари юз берди. Не ёзикки, хануз юз бермоқда.

Ваҳоланки, Худонинг истаги бошқа эди, демоқчи бўлади Румий, шунинг учун ҳам Ҳақ таоло Мусога танбех беради:

*Сўнг ваҳий келмиш Худодан: “Эй Мусо!
Бандамизни айладинг биздан жудо.*

*Бандани қўшмоқ учун келганмисан
Ё уни тўсмоқ учун келганмисан?*

*Токи борсан, ўртага солма фироқ,
“Абгазу-л-айёи инди ат-тавоқ”.*

*Айладим ҳар кимга ўз тарзин ато,
Айладим ҳар кимга ўз арзин ато.*

Яъни ҳар кимнинг ўз тарзи ва арзи бор, тўсқинлик қилма, демоқда. Энди бир ўйлаб кўрайлик: сиз билан биз яшаётган замонавий дунё ҳар кимнинг ўз “тарзию арзи”га нечоғли бағрикенг бўла оляпти?.. Жавобимиз нафақат қоникарсиз, аини пайтда, ғоят ачинарли бўлади, дея кўркаман. Бугун дунё халқлари ҳар қачонгидан-да толерант муносабатга муҳтож. Чунки у ҳар қачонгидан-да бир-бирига ҳар жиҳатдан жуда-жуда яқин келиб турибди. Бас, Румий каби бағрикенг даҳолар меросларига “қайтиб иш кўрмоқ” аини мурдаодир.

Ёки бўлмасам, Румийнинг ўша машҳур ҳикоятини эсга олайлик: одамлар Қаббага қараб йўл олар экан, қим Марғибдан, қим Машриқдан, яна қим отдаю қим пиёда ҳа-

ракатланади. Мағриблик машриқлик билан, отдаги пиёда билан кела-келгунча “менинг йўлим тўғри, сеники эгри” дея талашиб-тортишади. Лекин Қаббага, Яратганининг уйига келгач эса тортишувлар барҳам топади. Чунки улар ҳаммаларининг истақлари бир, ягона эканликларини тушуниб қоладилар. Худди шундай, бугунги замондаги кўпгина диний, сиёсий, иқтисодий ихтилофларнинг сабаби ҳам айнан мана шундай зохирий шаклларда, ҳолос. Ичкарида – моҳиятда эса, одамлар аксар ҳолда бир нарсани хоҳлашади.

Ҳа, толерантлик, яъни бағрикенглик бугун дунёга сув билан ҳаводек зарур. Ҳазрати Румий асарлари ўқувчини ана шундай бағрикенг бўлишга ундайди, ўргатади.

Румий кўшниларининг ҳар бири билан тил топишиш кераклигини уқтиради. Нима учун шундай қилиш кераклигини ҳам тушунтиради, қуруқ панд-насихатлар билан эмас, балки ёрқин ҳикоятлар, рамзлар, мажозлар, бадий образлар ёрдамида амалга оширади бу ишни. Такрор айтаман: Румий талқинидаги исломнинг бағри ниҳоятда кенг. Исломи динини, унинг муқаддас каломини таржимаю тафсир қилаётган замондош дунё олимлари Румий сингари парвози ниҳоятда юксак зотлардан, аввало, ана шу бағрикенгликни ўрганишлари жуда-жуда муҳим, деб ўйлайман. “Ер шарини” деб аталган битта уйда келишиб яшашнинг бошқа шартин йўқ. Бўлса ҳам бунчалар муҳим эмас.

Шу маънода, Румий асарлари ўқувчиларни шакллари маҳлуд қарашлар тўрига иланиб қолмасдан, умумзамоний ва умуминсоний қадриятларни тушуниш даражасига кўтарилишга, зеро, бани башар бир ота-онадан – Одам Атою Момо Ҳаводан таркаганини уқиб ағлашга ва шу ағлам асосида яшашга қақиради.

Улуғбек ҲАМДАМ

Қамчибек КЕНЖА

УМР УЧКУР ЕЛДАИ МЕЗ ПАРВОЗ ЭТАР



Ўтди ҳамду мадҳ бирла кўп замон,
Олгиру худбин, сўкир тўп-тўп замон.
Келди охир эл ғами чин муддао,
Ҳақ замону боп замону хўп замон.

Ҳаёт ширин, хар нечук айшга арзир,
Умр тезоблиги нолишга арзир.
Тириклик хар не ғам, ташвишга арзир,
Яратганга минг ҳамд айтишга арзир.

Тушда кўрдим сўппили куш – тўрғаймикин?..
Ўйладим бу бир ишорат бўлғаймикин?
Қай якимин рухи тушиб самолардан,
Савоб тилаб кошимда суст турғаймикин?

Кимки менга хуш кўз —хабибим ўша,
Кимки менга хуш сўз — табибим ўша.
Кимки менга куш кўз — ракибим ўша,
Неки менга хуш туз — насибим ўша.

Кувонч ўткинчидир, ғам ҳам омонат,
Ёлғонми, ҳақиқат — хар дам омонат,
Бахт лутфин биттувчи қалам омонат,
Журъатсиз кўйилган кадам омонат.

Ўлимдан ботири чандон чўчимас,
Ё бир телбаи нодон чўчимас.
Кўркмас дунё билан иши йўқ доно,
Яна бир — ошиғи қурбон чўчимас.

Бандаки, худбинлик, манманлик истар,
Хар ишдан, хар кимдан гумонлик истар.
Хеч айб тополмаса, ўзига қилган
Яхшилигингдан ҳам ёмонлик истар.

Кун йилт этса, оч айикка ёз кўринар,
Ҳасадўйга қўшни товук ғоз кўринар.
Кунлик ризқ фақирга айшу байрамдир,
Бойга етти пуштлиги ҳам оз кўринар.

Кеч тушиб, кун бўйи атрофи-
да ўйнай-ўйнай бир-бир уйкуга
кетган набираларини уй-уйига
олиб кириб кетаётган келинлари
хайрли тун тилгаб, эшикни ёпган-
ларидан сўнг Мирсиддик чол яна
ёлғиз қолди. Бурчақдаги кутидек-
кина телевизорга тикилганча ха-
ёллари чувалашди. Бу телевизор
нима берарди, нукул совчилик
ташвишлари, мол-дунё талашув-
лари, кўйди-чикди... Хеч бир
кўрсатуви ёкмайдди. Ёкмайди-ю,
вақт ўтсинга термулиб ўтираве-
ради. Нимаям қилсин, кимирай
деса қувватдан қолган.

Гузарга чайқай деса, минғир-
минғирларга токати йўқ. Ҳамма
гап ўша ерда: кимнинг нимаси
ўғирланибди-ю, кимнинг ўғли
канча топади, харомми-халолми,
кимнинг хотини шаллақи-ю, қизи
канақа... Бир тутам соқолни
селкилатганча беҳаёт гапларни
валдирайдигани-ю, катта боши
билан невараси тенгига ҳазил-ху-
зулни жойига қўядиган, улфат-
чилик қиладигани ҳам шу ерда.
Кечагина беморларига кашанда-
ликнинг кони зарар эканлигини
уктира-уктира, бугун нафақага
чикиб олиб, чойхонани тутун-
га тўлдирадигани ҳам шу ерда.
Якандозлар ер қатим бўлиб кет-
ган буларнинг уззукун юмалайве-
ришдан.

Дарвоза қарсиллаб очилди,
шекилли, дераза ойналари зи-
риллаб кетди. Мирсиддик чо-
лнинг хаёли бўлиниб, бўйин чўзиб
йўлакка тикилди. Кенжа келини
хар доимгидек шиппагини судра-
ганча ховли саҳнида пайдо бўл-
ди. Эри аччиқ устида бўғилиб

тўнғиллади.

– Сенинг қулоғингга сигнали-
зация ўрнаттириб қўяман энди.
Уйкудан бош кўтарасанми, йўқ-
ми? Энанг ухлаб тукқан сени ўзи!

Келиниям жим бўлмади. Айни
пайтида рўзғорда керак бўлиб қо-
ладиган ёлғонни ишлатди.

– Анави тирранчизгини ухла-
таятувдим. Эшитмай қолибман.
Кейин, онамга осилманг, гапин-
гиз бўлса, тўппа-тўғри ўзимга
айтаверинг. Ўзингиз ярим кеча-
гача юрмай, бир вақтда келсангиз
экан, кутиб ўтирсам.

Ўғли бир нималар деди, ше-
килли, келинининг жағи ўчди.
Мирсиддик чолнинг кайфияти
бузилди. Телевизорни ўчириш
учун энди кўзгалган ҳам эдики,
эшик очилиб, ўгли қовоқ уйганча
кириб келди.

– Яхши ўтирибсизми, дада.
Мирсиддик чол қайтиб ўрни-
га чўкди. Белига симиллаб оғриқ
кирганидан юзи бужмайиб кетди.
Ихраб юбормаслик учун тишини
тишига босди.

– Ҳмм, – деди димоғида ун
бериб, сўнг шивирлади. – Кел-
дингми?

– Ҳа-а, – деди ўғли унинг
сўровидаги оғриқли оҳанггаям
парво қилмай. – Кун бўйи итдек
селкилладим. Зангарлар, биз ола-
диган меваларни тонг бўзармай
уриб кетишибди. Ўзимнинг шо-
гирдларим шунақа кип турганда,
бошқаларга йўл бўлсин, дада.

Ота оғир хўмрайди.

– Ўзинг тўғри танловминдиг,
ишқилиб? Шогирд экан деб хар
кимниям олавермайди одам.
Таг-туғи, тарбияси, хулқ-атвори

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН



ШОИР

Унинг чин оти – ошиқ, меҳрга қул яратик,
Чўнтақлари чил тешиқ, кўнгли бўш, қахри қаттиқ.
Ўн бешида оқсоқол, етмишида ёш бола,
Битта гап албатта кам, иккита гапинг ортиқ.

Мол-дунё берсанг олмас – эҳсонингга зормас у,
Миннатли ошинг емас, очдан ўлса бокмас у,
Тинч ўтирмас, тек турмас, етовингга юрмас у,
Сарпойингни киймайди, тўни минг ямоқ – йиртиқ.

Англаб бўлмас, не истар, не манзилни кўзлар у,
Хонни – ҳоконни “сен”лаб, хур гўдакни “сиз”лар у,
Гоҳ қапалақ қонидан инжа хикмат излар у,
Гоҳ биргина кўйини бўрига қилар тортиқ.

Ёлғиз суянгани – Сўз, ишонгани – Ҳақ, доим,
Ожиз онаси – Тили, отаси – Эл, Халқ, доим,
Улар-чун туриб бергай, қўпса қиёмат қойим,
Бошин топшириб дорга, кетар кўзлари очик.

Кетар кўзлари очик...

ДЕМИШЛАР

Пири муршид этагин тут, қулли савоб, демишлар.
Пандин эшит, дуосин ол, барокат топ, демишлар.
Эрта, индин тадоригин шу бугун нақд қилиб қўй,
Қайтиб очар эшигингни секинроқ ёп, демишлар.

ҲОЛИМГА БОҚ

Чакиртикон чакалақзор экан сўқмоқ,
Тобони тош йўловчилар ялангоёқ.
Ялангюрак билан етиб келдим ўтиб,
Минг бир тилим дилимга боқ, Ҳолимга боқ.

ТЕЛЕФОН

Бизнинг элда, хар элдошда
Овунчок – у, эрмак – у.
Жон жигардан, қариндошдан
Қалинроқ – у, тиргак – у.

Етти ёшдан токи етмиш,
Барчага ундан ташвиш.
Ётса – ёстик, турса – курси,
“Изла”, “қидир”, “кўрмак” – у.

Йўл-йўлакда, қўл қулоқда,
Маърақа, тўй, овлоқда...
Кампирга чол, бевага тул,
Бўй-бўйдоққа эркак – у.

Фиски-фасод, “миш-миш”дан дод,
СМСдан ҳақорат,
Замонга хос оддий ҳолат –
Ижтимоий тармоқ – у.

КАМПИР, ЧОЛ ВА БОШҚАЛАР

бор...

Ўғил хотинининг дастурхон
ёзишига беписанд қараб ўтирар-
кан, қўл силтади.

– Унақа маҳалда ҳаммасиям
сило тутади-да ўзини, дада. Кўй-
инг, дилим ўзи хуфтон бўп туриб-
ди, кавлаштирманг, – хўриллаб
мастава ичаркан, дастурхон суз-
иб телевизорга қаради. – Қаёқда-
ги бир нималарни кўриб
ўтирасиз-да, дада. Шун-
дан кўра радио яхши-
масми?

– Қай бири бўлсаям кўнғил-
га яқин бир нима йўқ-да, болам.
Китоб ўқий десам, кўз ўтмаса.
Майли, шунисигаям шукр. Бироқ
хаммасидан ҳам аканг икковинг-
нинг бир чимдигина яхши суҳ-
батинг қиёфа, ўғлим. Ҳадемай
уям кеп қолса керак.

Ўғил бўшаган чининини бир
четга қўйганча хотинига хўмрай-
ди.

– Чойниям сўраб оламан, ше-
килли, сендан.

Хотини ҳам аччиқ имо қилди.

– Олдингиздаги пиёлада нима
бўлмаса?

Эр-хотинининг бир-бирига муо-
маласи хар доимгидек Мирсиддик
чолнинг диққатини оширди. Боши-
га зирқ-зирқ оғриқ кирди. Индама-
ди. Шунча гаприб нима топди?

– Сенга айтиб қўяй: хар ни-
мага ўчакишаверма! Бу хаёт шу-
наканги паст-баланд. Тилингга,
дилингга эҳтиёт бўлсанг, бас. Ҳа-
лолини тила. Аммо шу ишингдан

Хикоя

бўлмайдди сира. Аммо дарвозани
келинининг ўзи очишям бир ба-
лони бошлаб келади, очмаслиги-
ям. Очса, ўғли келинига ўшқириб
қаттиқ тегади, очмаса дарвоза
очилишини узок кутиб баттар
тутокади. Ана шу оғирқарвон ке-
линининг деразаси тагига бориб,
овоз беришга чолнинг хайфи
келиб кетади. Норози тўнғилла-
шидан тўйган келинининг. Дак-
ки эшитган келин ўзига зимдан
бокиб ўқраймаса экан. Ўқрай-
ди-да, таънали бокиб. Ич-ичи
зириллаб кетади чолнинг. “Ҳа-а,
тарбиянгдан сенинг!” деган ўй
кечади кўнғилдан. Кампири ма-
шинанинг моқкиси бўлавериб
хам хунук кўринган жойлари кўп
бўлган.

Йўқ, бўлмади. Ўрнидан қўлла-
рини полга қаттиқ тираганча оғир
кўзғолди. Аввал деворга қафт бо-
сиб тутди, сўнг оёқларини яқин-
лаштириб олиб тикла бўлди. “Ух,
бел-а, бел-а! Жон ҳам айни кек-
сайганда қийнарган-да, қийна-
ларкан-да!”. Бир амаллаб ховли-
га тушди. То дарвозагача бормай,
дангир-дунгирдан қулоқлари
том битди. Асаблари бўшашиб
кетди. Томоғини алланима ғип-
па бўғиб олди. Нафаси қайтди.
Тунуканинг овози жон-жонидан
ўтиб кетганидан аранг хириллаб,
“Хов!” дея олди, холос. Атай қў-
лаига обдаста тутиб олди. Бу энди
бир баҳона-да!

Дарвозани узок тимирскилаб,
ахийри бир амаллаб очди. Бир

ахволда толикиб келган катта
ўғли хўмрайганча гўлдиради.

– Алвасти келинингиз яна
тош қотиб ётибдими? Нега сизни
уринтиради?

– Уринтиргани йўқ, ўғлим.
Таҳорат олишга тутиниб турув-
дим, ўзим очиб қўя қолай де-
дим-да. Келин, ҳеч қанча бўл-
гани йўқ, болаларини ухлатиш
учун опкириб кетганига. Кун
бўйи чарчади-да. Нон ёпди, уй
тозаллади, кир чайди. Чой-пой
ичасанми?

Ўғли ғалати қараш қилди.

– Ўзингиз дамлаб бермоқчи-
мисиз?!

Чол ўзига ўхшамайроқ жил-
майдди. Шу толда кўз ўнгига шу-
нақа жилмайиб тургувчи кампи-
ри келиб кетди. Оғир хўрсинди.

– Дамлаш ҳам иш бўптими?
Биргалашиб ичамиз-да.

Ўғли оғир ўпшайди.

– Кун бўйи чой дамлаб берма-
дим келинингиз?

Мирсиддик чол хушёр тортди.

– Келинлар доим хизматда,
ташвиш қилма. Мен фақат, бир-
га чой ичайлик, деяпман, холос,
ўғлим.

Ўғил қўл силтади.

– Бир-икки соатдан кейин тонг
отади, дада. Ўзи яғири чиқиб кет-
ди, чарчадим. Чой тугул манави-
наканги қакқайиб туриш ҳам зил
кеп турибди. Майли, яхши дам
олинг.

Катта ўғлининг уйидан бир
зум шанғир-шунғир товушлар

Тоҳиржон
ЙЎЛДОШЕВ



чалиниб турди-ю, чироқ ўчиши
билан овози ўчди.

Мирсиддик чол қўлидаги сув-
сиз областанги бир четга қўй-
ди-да, пайпоксиз илиб чиққан
кавушини ечиб, ичкарига кирди.
Чоғроқкина хона қўзига анаям
тордек туюлиб кетди. Боя ўлги-
га минғирлаб гапирганида бу сўз-
лар ўзининг оғзидан чиққани би-
лан ўзиники эмаслигидан, бироз
ноўхашароқ туюлганидан ўзи-
ям, ўғлиям ғалати холга тушиб
қолгани хаёлини чирмади. Нега
ундай бўлди ўзи? Ўйлаб кўрса,
бу кампирининг гаплари экан.
Ўғилларининг кўнғлини юмша-
тиш учун атай топган гаплари
экан. Энди кампирига ўхшаб ўзи
кўнғил овлашга тушиб қолдими?
Эртаю кеч набираларига бош
бўлиб, кампирининг йўқлигини
билдиргиси келмай қолдими?
Кампирининг руҳини шу билан
шод қилишни хошлаб қолдими?
Во, даринг!

Мирсиддик чол яланг оёқла-
рини бир-бир босганча ўрнига
бориб ўтирди ва хаёлга толди.

МУНОЗАРА

МАНТИҚ — БОШ МЕЗОН

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг етакчи йўналишларидан бири бўлиб келган. Шоир ижодига доир кейинги йилларда нашр этилаётган тадқиқотларда эса аниқликка интилиш, назарий муаммоларни имкон қадар тўлиқ қамраб олиш, фикр-мулоҳазаларни далиллар билан, ўринсиз хаяжонга берилмай баён қилиш бўй қўрсатмоқда ва бу қувонарли ҳол.

Хар йили шоир таваллуд топган сана муносабати билан республикамиз матбуотида мутафаккир ҳаёти ҳамда ижодий меросига оид мақолалар кўплаб эълон қилинади. Уларнинг аксарияти маърифий характерда бўлиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Бироқ бу мақолалар орасида, кам бўлса-да, ўқувчини мунозарага қорлайдиган, фикр қўзғайдиган, баҳсга ундайдиган чиқишлар ҳам бор. Шундай битиклардан бири таникли навоийшунос Афтондил Эркиновнинг жорий йил сеvimли ҳафталигимиз саҳифларида чоп этилган (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2023 йил 3 февраль сони) “Навоий девонининг Америка қўлёмаси” мақоласи юзасидан айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашишни лозим топдик.

Мақола муаллифи шоир девонининг 1500 йоли машхур котиб Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган ва бугунги кунда АҚШдаги Метрополитен музейида сақланаётган ноёб нусхаси ҳақида атрофлича мулоҳаза юритади. Унингча, ушбу девон Алишер Навоий ва Султонали Машҳадий “адабий ҳамкорлиги”нинг сўнгги намунасидир: “Навоий ҳам мана шу қўлёмза кўчирилган даврда Хирот шаҳрида бўлгани ҳамда 1501 йили 3 январда дунёдан ўтгани ҳисобга олинса, бу шоирнинг ўзи кўрган, девоннинг тартиб берилиши жараёнида Султонали Машҳадий билан қилган энг сўнгги адабий ҳамкорлиғи натижаси бўлиши эҳтимоли катта. Мазкур жиҳат қўлёмзанинг илмий аҳамиятини оширади”. Шоир ва котиб “адабий ҳамкорлиги” асос тезис сифатида бутун мақола бўйлаб қизил ип бўлиб ўтади. Бироқ мақолада айни “адабий ҳамкорлик”ни исботлайдиган бирор далил келтирилмайди. Муаллифнинг ягона даъвоси “шоир ҳаётлик даврида кўчирилган, ўзи кўрган сўнгги девон”. Агар биз ушбу фикрга асосланиб мулоҳаза юритсак, у ҳолда Навоий ҳаётлик чоғи Абдулжамил котиб томонидан қўчирилган (1485 йили) “Хамса”ни ҳам адабий ҳамкорлиқнинг “эркин намуна”си сифатида баҳолашга тўғри келади. Ҳолбуки, масалага тарихан ҳамда мантиқан ёндашадиган бўлсак, ҳар икки котиб ўз функционал вазифасини сидқидилдан бажарган, ҳолос. Боз устига, Наво-

ий Султонали кўчирган девонни кўргани ҳам исботланмаган ва бу иштибоҳ уйғотади. Сўз адабий ҳамкорлик хусусида борар экан, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий ижоди бунга мисол бўла олади. Бу ҳақда тарихий-адабий манбаларида, шоирнинг ўз асарларида ҳам маълумотлар етарли. Бундан ташқари, Навоий “Хазойин ул-маоний” дебочасида мажмуага тартиб бериш жараёнида ўзини қийнаган муаммолар хусусида батафсил тўхталиб, Султон Хусайн Бойқаронинг қўрсатган меҳр-муравати, кўмаги ҳақида, шунингдек, мажмуага кирган шеърларини тахрир этишдаги ўрни борасида қизикарли мулоҳазаларни билдирган. Шоирнинг ушбу сўзлари баҳс-мунозаларга сабаб бўлган, айрим навоийшунослар, жумладан, А.Абдуғафуров масала юзасидан чиқишлар қилиб, Навоийнинг дебочасидаги сўзларини “шоирона лутф, ҳукмдорга бўлган юксак эҳтиром, фахрия санъатининг бир кўриниши” дея Султон Хусайн Бойқаронинг мажмуа тузилишдаги иштирокини инкор қилади. Таникли навоийшунос А.Ҳайитметов эса, аксинча, Навоийнинг бу борадаги сўзларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ёзади: “Бу девоннинг (“Хазойин ул-маоний”нинг) юзага келиши мураккаб жараёни босиб ўтган. Бунда Навоий билан бир қаторда замон подшоҳи ҳам фаол иштирок этган. Хусайн Бойқаро бу девоннинг яратилишини давлат аҳамиятига эга бўлган иш деб қараган”. Навоийшунос Қ.Эргашев “Хазойин ул-маоний”нинг яратилишига доир” мақоласида ҳар икки устоз навоийшуноснинг мулоҳазаларини синчиклаб чоғиштириб, дебочадаги фактларга таяниб, “Муншаот”даги мактуб матнидан келиб чиқиб, шундай ёзади: “...яъни Хусайн Бойқаронинг Навоий шеърларини синчиклаб, нуктадонлик билан тахрир қилгани Навоийга бу хусусда чиройли лутф ва муболага қилиш имконини берган ва “... бу маъно гавҳарлари ул ҳазратнинг таъби бахридину зехни қонидин ҳосил бўлди” дейишга асос бўлган. Ўша тахрир бўлмаганида лутф ҳам, муболага ҳам бўлмас эди, зеро, бор нарсани ошириб қўрсатиш мумкин, у ҳақда муболага қилиш мумкин, йўқ нарсани ошириб-тошириб ҳам, у ҳақда муболага қилиб

ҳам бўлмайди”. Демак, юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтиш мумкинки, биз бу ерда ҳукмдор ва шоир адабий ҳамкорлигига гувоҳ бўламиз. Таъкидлаш жоизки, биз бутун тахрир билан алоқадор ўринларни далиллар билан исботлай оlmaymиз, сабаби, шоирнинг дастхати – автографи, афсуски, бизгача етиб келмаган. Айни пайтда юқоридаги тарихий фактларни инкор қилиб бўлмайди.

Навоийшунос Ш.Сирожиiddиновнинг яқинда нашрдан чиқкан “Амир Алишер” китобида (Ш.Сирожиiddинов. “Амир Алишер”, 2023) бирламчи манбаларга асосланиб, шоирнинг ҳаёти, ижтимоий фаолияти, замондошлари билан муносабати юзасидан янги фикр-мулоҳазалар илгари сурилган, аввалги айрим талқинларга аниқлик киритилган, шунингдек, “Хазойин ул-маоний”ни тартиб беришда Хусайн Бойқаронинг иштироки бўйича фактлар ҳам келтирилган. Бироқ китобда Навоий ва Султонали Машҳадий “адабий ҳамкорлиги” тўғрисида гап йўқ.

Мақола муаллифи юқоридаги қўлёмза билан бевоcита танишиб, ёдгорлик ҳақида Ҳ.Сулаймоннинг докторлик ишида “умумий тавсиф” берилганлиги ва бугун “имкон қадар батафсил маълумот керак”лигини тўғри қайд этади. Бироқ унинг манба юзасидан билдирган мулоҳазалари аввалгиларнинг такроридан бошқа нарса эмас. Масалан, Ҳ.Сулаймон бундан ярим аср аввал ёзган докторлик диссертациясида бир қатор қадимий, ноёб қўлёмзаларга илмий тавсиф-таъриф бера туриб, Султонали кўчирган девонга ҳам батафсил тўхталган. Олим уни “типик терма девон” дея баҳолаб, чиройли ҳуснихат билан кўчирилгани, ҳар бир ғазал тепасига мавзусидан келиб чиқиб араб тилида сарлавҳалар битилгани, безаклари эса олтин суви билан зийнатлангани ҳамда таркибида 16 миниатюра мавжудлиги, шунингдек, девоннинг таркибий тузилиши борасида ҳам тўлиқ маълумот берган. Устоз Ҳ.Сулаймон ўринли таъкидлаганидек, ушбу қўлёмза XV аср Хирот китобат санъатининг гўзал намунасидир. Бироқ ёдгорлик билан бевоcита танишган А.Эркиновнинг мақоласида қўлёмзанинг илмий тавсифи ночор, олдинги шарҳлар айнан такрорланган, китобат санъати юзасидан мавжуд ҳолати эса умуман тилга олинмаган, боз устига, муаллиф мулоҳазаларида мантиксизлик мавжуд. Масалан, у Ҳ.Сулаймон берган тавсиф юзасидан ёзади: “Ҳ.Сулаймоновнинг диссертация ишида келтирилган Метрополитен

девони тавсифига асосланадиган бўлсак, гарчи кўрганлигини аниқ айтмаса-да, олим қўлёмза билан бевоcита таниш бўлган”(?). Ахир, манбани кўрмай туриб, қанақасига “қўлёмза билан бевоcита таниш бўлиш” мумкин. Ўйлашимча, устоз қўлёмзанинг фотонусхаси билан иш қўрган. Адолат юзасидан айтиш жоизки, А.Эркиновнинг девон “Зихи зуҳури жамолинг...” номли ғазал билан бошланади, деган фикри тўғри. Ҳ.Сулаймон эса негадир девон “Ашракат...” ғазали билан бошланади, деб айтган.

Навоийшунос А.Эркинов Ҳ.Сулаймон улуг шоир лирик меросини тадқиқ қилганда “...олимнинг асосий мақсади “Хазойин ул-маоний” девони таркиби, матнини тиклаш, Навоий шеърятининг асосий, яхлит матнини тайёрлаб, китобхонларга тезроқ етказишдан иборат бўлган”лигини тўғри эътироф этади. Шу билан бирга, муаллиф: ““Илк девон”, “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя” каби девонлар матни наشري масаласига кўп диққат қилмаган. Масалан, “Илк девон”нинг факсимиле наشري билан чекланган” дея эътироз билдирмокчи бўлади. Биринчидан, катта авлод навоийшунослар илмий фаолиятига баҳо берганда катъий равишда тарихийлик принци-пига риоя қилингани маъқул, яъни Ҳ.Сулаймонга қадар шоир лирик меросини ўрганиш ҳамда унинг наشري қай аҳволда эди ва олим салафлари ишларига қандай янгиликлар қўша

олди. Мана шу икки саволга аниқ-таниқ жавоб Ҳ.Сулаймоннинг илмий фаолиятини бутун бўй басти билан қўрсатади. Иккинчидан, устоз навоийшунос “Илк девон”нинг факсимиле наشري билан чекланган” эмас, аксинча, бундан мақсад устоз сўзбошида ўринли таъкидлаганидек: “...Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг кенг қўламда олиб бораётган ишларидан бири Навоий асарларининг танқидий тексти ва академик наشريга асос бўладиган, энг қадимий ва энг мўътабар қўлёмзалар сериясини факсимил шаклида наshr қилишдир. Навоийнинг ўз қўли билан ёзилган бирор-бир автографи ҳозиргача фан оламига маълум бўлмаганидан шоир қўлёмзаларининг факсимил нашрлари фан учун фавқулодда аҳамиятга эгаллиги, шубҳасиз”. Айни мақсадда “Ўзбек адабиёти қўлёмза ёдгорлиқларининг факсимил наشري серияси” ташкил этилган, “Илк девон” (1968 йил) ушбу сериянинг дастлабки наширидир. Бугунги кунда Адабиёт музейи жамоаси устоз бошлаб берган эзгу анъанани изчил давом эттирмокда.

Биз “Навоий девонининг Америка қўлёмаси” мақоласи юзасидан мулоҳаза юритганда юзада қалқиб турган айрим жиҳатларга тўхталдик, ҳолос. Ҳолбуки, мақолада маромига етмаган, етарли даражада асосланмаган фикрлар талайгина. Қисқаси, навоийшуносликка доир ва умуман ҳар қандай мавзуда қалам тебратганда предмет тарихидан пухта хабардорлик, уни бутун мураккаблиги билан имкон қадар тўлиқ қамраб олиш ҳамда мантиқ бош мезон бўлмоғи лозим.

Абдурасул ЭШОНБОБОВЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейи илмий ходими



Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов устози Fairatий билан.

Ғафур Ғулом таваллудининг 120 йиллиги

Бошланиши 1- саҳифада

Ғафур Ғуломнинг “Сарҳисоб” (1962) деган мақола-сида ҳам Кўргонтеги маҳалласи ҳақида янги маълумот бор: “Мен яшаган маҳалланинг атрофидаги ўнлаб маҳаллаларда, — деб ёзади шоир, — иккита эр болалар мактаби, битта кизлар мактаби бор эди. Кўргонтегидаги эрлар мактабининг муаллими Ҳасанбой домла менга алифбени ўргатган хурматли муаллим — анча тараққийпарвар одам эди. Иккинчиси, Шамши домла кўп баджаҳл, чаласавод одам бўлган. Кизлар мактабининг отинойиси Хайринисо деган кампир бўлиб, менинг туққан бибим (отамнинг онаси) бўлади. Кенг, хушфёъл, ўн саккиз ўғли, бир қизи вафот этганда ҳам “дод!” демаган, факат биз каби етим набиралар ва ўқувчи кизлар билан юпаниб, қолган умрини шўкр билан ўтказаётган бир ожиза эди. Ўн маҳалладан уч мактабда юз чоғлик бола ўқир эди...”

Кўргонтеги маҳалласи тўғрисидаги тасаввуримиз тўла бўлсин учун шоирнинг куйидаги сатрлари билан ҳам танишсак:

*Кўргонтеги ажойиб, ҳўб чингилнинг маҳалла,
Бири бирига қарши, худди тарози палла.
Тўрт қадамда самовар, ана унда кўп гап бор:
“Ҳорманг, Юнусмат энди!” —*

“Раҳмат, ҳе, баракалла!”

*Ҳй бошида бедона, тақиб қўйдинг седона,
“Қўлингдаси қанақа?” — “Кичкина тулук малла”.
Ҳнги масжид битибдир, жиповхона муборак!
Ҳлмаса чолларимиз гўйбатни сотишала.
Ойда-йишда бўлса тўй, қолмайди чиқмаган уй,
Катта-кичик бошида ўралган силлиқ салла.
Ўспиринлар ўтади, бай-бай, тўкилиб кетади,
Қилай деса иши йўқ, кеча-кундуз таралла.*

Бу шеърда Кўргонтеги маҳалласининг олис асрлардаги манзараси эмас, балки XX асрнинг 20-йилларидаги киёфаси ўз тасвирини топган. Биз ушбу манзара орқали ҳам мустамлака ша-роитида яшаган халқнинг маиший ҳаёти ва онги ҳақида тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Ғафур Ғуломнинг юқорида келтирилган фикрлари ва шеърда, уни бошқа ўзбек шоирларидан кескин ажратувчи иккита фазилат бор. Биринчиси, Ғафур Ғуломнинг ёшлик йиллариданок тарихга қизиккани, хусусан “кичик ватани” тарихини мукаммал ўргангани ва билгани бўлса, иккинчиси, унинг нафақат ўзбек адабий тили, балки оддий халқнинг ўзига хос жонли



ва ширали тилини ҳам пухта эгаллагани, шеър компонентларидан бири — кофиядан усталик билан фойдалангани, ҳатто узун-узун шеърларида ҳам оддий бир сўзга ўнлаб кофиядош сўзларни топиб, мавзудан узок сўзлардан ҳам кофия “ясаб”, уларни шеърнинг гоъвий-бадий йўналишга усталик билан бўйсундира олганини кўрамиз. Юқорида келтирилган шеърда “ўроқда йўқ, шудгорда йўқ” “солишалла” сўзидан шундай кофия ясаганки, натижада шеърда тасвирланаётган кексалар образи янада ёрқинлик касб этган.

Бу ҳар икки фазилат Ғафур Ғуломнинг қайноқ халқ ҳаёти билан яқин алоқада бўлгани, халқ билан бирга нафас олгани натижасидир.

Яна Ҳамидулла Ҳусановнинг хотираларидан баҳраманд бўлсак:

“Ўтган асрнинг (яъни XIX асрнинг — Н.К.) иккинчи ярмида ана шу Кўргонтеги маҳалласидаги бир ҳовлида икки ака-ука яшаган. Улар отасининг исми, яъни катта бобомизнинг оти Мирза Ориф бўлган экан. Ғафур акам бир кун ил ағдариб, мучал аниқлаб, қариндош-уруғ, хеш-ақрабойимизни белгилаб ўтирганида, бу ҳақда хикоя қилиб берганди. Умуман, Ғафур акам узок ва яқин ўтмиш тарихини, шажаралар, сулоалаларни яхши билар ва марок билан сўзлар эди. Ота-боболаримиз ҳақида гапирар экан, хонтахта устидаги мис баркашга гўё ёзаётгандай бўлиб, бармоқлари билан чизар, кўргазмали равишда қандайдир ҳақдавлар ясар эди. Ўша икки оға-инидан каттасининг оти Раҳматилла, кичигининг оти Ғулом Мирза бўлган. Бир ҳовлида яшашган. Бир қозондан овқат ичишган, бир дарвозадан кириб-чиқишган, яъни “сан-ман”га боришмаган, ҳовли девор билан бўлиб олинмаган.

Раҳматилла деҳқончилик билан шуғулланган. Тошкентнинг шимол томонида, Келес ариғи томонларда, яъни Қоплонбек қишлоғида ер-сувлари бўлган. Ғулом Мирза, асосан, қунарманчилик билан шуғулланган, шоиртабиат, чечан, оғзи ботир, салобатли одам бўлган Раҳматилла бир неча фарзанд кўрган бўлса-да, Ҳусан исмли ўғли (бу киши менинг отам бўлади), Зебинисо, Нуринисо деган кизлари туриб қолган. Ғулом Мирзадан Савринисо, Ғафур (яъни Ғафур Ғулом), Раҳбарнисо, Баҳринисо туғилишган. Раҳматилла вафот этганидан кейин аслида икки оиладан иборат бўлган бу катта оилага Ғулом Мирза бошлиқ бўлиб қолган. Оилада ҳамма уни Ғулом дада, деб аташган. Ана шу Ғулом дадамиз менинг отам бўлмиш Ҳусан акага ҳам оталик қилиб, уни уйлантириб қўйган.

Буни қарангки, Ғулом даданинг умри қисқа экан. У вафот этгач, бутун оилага менинг отам — Ҳусан ака бошлиқ бўлиб қолган. Ҳусан ака бир неча фарзанд кўрган. Улардан Мухаббат, Ҳамидулла (яъни мен), Назминисо, Ҳабибулла, Эркина исмли фарзандлари туриб қолишган. (У пайтларда тиббий хизмат яхши бўлмагани туфайли болалар гўдаклигида кўп нобуд бўлиб кетаверган.) Бир ҳовлида яшаб, бир қозондан овқат ичиб, бир кўрпа остида катта бўлганимиздан бўлса керак, деб ёши кичиклар, ҳаммамиз Ғафур Ғуломни “ака”, биздики. Ғафур акам ҳам ажратиш нима-лигини билмасди, бизларга туғишган акалардек меҳрибон эди. Ғафур Ғуломни туғишган акамиз, деб билгандик. Аслида, жиян бўлишимизни ҳатто хаёлимизга келтирмаганмиз. Чунки Ғафур акам ниҳоятда оқибатли, чин инсон эди.

Хуллас, Ғафур акам билан кўп йиллар ана шу Кўргонтеги маҳалласидаги ҳовлимизда бирга яшадик”.

Мамина юқорида Ғафур Ғулом тўғрисидаги ажойиб хотираси келтирилган Ҳамидулла Ҳусановни озми-кўпми билардим. У ўзбекнинг қўрқам, тан-ти, оккўнгил йигитларидан бири бўлган. У урушни тиббий хизмат капитани лавозимида туғатиб, она юртига ғалаба билан қайтганида, Ғафур Ғуломга Германиядан олиб келган ўлжа соатни ҳадя қилган. Шоирнинг “Вакт” деган шоҳ асарининг яратилиши шу ажойиб инсон номи билан боғлиқ. Юқорида хурматли китобхон эътиборига ҳавола этилган хотира ҳам Ғафур Ғулом ҳаётининг фанга номаълум бўлган саҳифаларини ёритиши билан катта илмий қимматга

молиқки, уни тўла келтирмаслик одобсизлик бўлурди.

Шундай қилиб, Ғафур Ғулом 1903 йил 10 май, жума кун, эрталаб соат бда чакалоқларга хос чинкириғи билан ўзининг ёруғ дунёга келганини маълум қилди.

Шоир ушбу тарихий дақиқа ҳақида “Она” шеърда бундай ёзган:

*Туғилган дамимни эслай олмайман,
Ташақкур дейилса арзигулик тонг.
Таналайм қўтарган бибим бечора,
Олтин рудасидай ишланмасан онг.*

*Ҳали бепардозман, олам жамолин
Кўра олмасликка қўзим ҳам ожиз.
Таналайм қўтарган бибим бечора
Ким эди, билмайман, ўлгандир, эсиз.*

Бўлажак шоир туғилган пайтда оила ҳаётининг номаълум саҳифалари билан таништиришга қанчалик ошқикмай, ичимда бу сатрларнинг бадий гўзаллиги ва юксаклигига таҳсин ўқиганимни айтмай ўтолмайман. Шоир ўзининг туғилган дақиқаларини шундай реал деталлар билан тасвирлаганки, гўё у чинкирганини ҳам, йўрғакланганини, муштумини туғиб олганини ҳам, қўзи ёруғ оламнинг гўзаллигини кўришга ҳали ожизлигини ҳам қўйиб-тушуниб тургандек бўлади.

Шу ерда у кофия санъатининг султонни эканлигини яна бир бор намоиш этади. Чакалоқ ҳақидаги шеърнинг иккинчи сатридаги “тонг”та “онг” сўзини кофия қилади. Чакалоқ қайда-ю, “онг” қайда”? Лекин шоир “онг”ни “тонг”та худди фокусчидек боғлаб-чирмаб ташлайдики, унинг “Олтин рудасидай ишланмаган онг” деган ибораси шоирнинг ижодий фантазияси, хаёлот олами ва билим доираси қанчалик чексиз-чегарасиз эканлигини кўриб, хайратга тушамиз. Офарин, офарин, Ғафур ака, деймиз!

Ғафур Ғуломнинг отаси хатли-саводли бўлиб, 1908 йилгача шаҳар думахонасининг маҳаллий бўлимида мирзалик қилган. Сўнг Келес атрофидаги Қоплонбек мавзесидаги тўққиз таноб ерида бугдой, жўхори, мош дегандай, дон-дунни экиш-йиғиш билан машғул бўлган. 1912 йилнинг қўқламида Ғулом Мирза касаликка чалиниб, бир неча кун йўталиб юрган ва арзимаган шамоллаш орқасида қирқ тўрт ёшида Кўргонтеги маҳалласидаги 25 квадрат саженил захкаш, тутдай тўқилай деб турган ҳовлисида олтига “еярман-ичарман етимча” ни орқасида қолдириб, вафот этган.

Ёднома

БЕДОР ЮРАК, УЙҒОҚ ТАФАККУР

Толенм кулиб, талаба бўлган йилим. Не-не орзу-ниятлар ила институтга кирган бир гуруҳ курсдошлар билан яқиндан танишиб, ундан-бундан суҳбатлашиб турибмиз. “Эшитдингларми, Тоир Исмолов деган домла бор экан, “қилин кирк ёрадиган” танкидчи, у киши бизга курс раҳбари бўларкан...” Алқисса, ўша гаплар ҳақиқатга айланиб, котмадан келган, ўрта бўй, доимо ним табассум билан юрадиган Тоир домла дарсга кириб келди. Аввало ҳамма билан бирма-бир танишиб, ким нимага қизиқиши, аввал қарсда ўқигани, нималар қоралаб туриши ва ҳоказолар ҳақида обдон сўради. Сўзининг якунида: “Билиб қўйинглар, бу олий-гоҳга ҳеч ким адашиб кириб қолиши мумкин эмас. Театршунослик, санъатшуносликнинг юки оғир. Кимки дипломнинг эвини қилсам бўлди-да, деган ниятда бўлса, яхшиси бошқа касб танласин”, дея қатъий таъкидлади.

Кўп ўтмай билдикки, домла ҳақ экан. Бу соҳада ўрнини топмоқчи бўлган инсон, албатта, ўқиб-ўрганиши, ўз устида тинимсиз изланиши зарурлигини ҳис қилдик. Домла ҳам талабни кучайтирар, ҳар бир талабанинг имкониятларини кашф этишга астойдил интиларди. Энг муҳими, устоз ҳеч қачон назарий фикрлар билангина чекланиб қолмас, гоҳ фильм, гоҳ спектакль томошаларига ўзи бош бўлиб олиб борарди. Кейин дарсда қизгин мунозаралар авжига чиқар, бирор охорли гап айтиб, эхтиросларни алан-галатиб қўярди-да, сўнг ҳамманинг фикрини бир-бир эшитиб чиқарди. Э-э... ундай дарслар бир бўлди-да, аммо ҳолисанилло айтганда, шу соҳага озми-кўпми ҳисса қўшаётган бўлсак, бу шаксиз ўша сабоқлар шарофатидан.

Тоир Исмолов педагогикаси ҳеч кимникига ўхшамасди, устоз жонли, ҳароратли, баҳс-мунозарарга бой дарсларнинг тарафдори эди. Шу боисданми, кўпинча дарсимизга кимнидир меҳмон сифатида тақлиф этар, биз талабалар ҳам шунга яраша тадорик қўриб, турли саволлар билан меҳмонни “ҳайрат”да қолдиришга интилардик.

Иккинчи курсда ўқиётган чоғимиз домланинг тавсияси билан танилки адиб Эркин Аъзамнинг “Жаннат ўзи қайда-дир ёҳуд Жийдалидан чиққан Жўрақул” номли драматик асари курс иши сифатида танланди. Ўшанда ўқирсимизнинг барча талабалари Эркин Аъзам пьесасини ёппасига ўқидик, шу асар баҳона бўлиб адибнинг ижодий лабораториясига чуқурроқ кирдик. Ҳамманинг миясида ҳар хил ўй, кимдир Жўрақулнинг қисматидан ўқинса, кимдир Забаржад бўлиб “кўз ёш тўкади”, яна кимдир Болта Мардоннинг жўмардлигига ҳалоллигига та-

саннолар айтади. Хўш, шу қаҳрамонларнинг яратувчиси Эркин Аъзамнинг ўзи нима деркин?

Яна домла ташаббускор бўлиб, муаллиф билан ажойиб учрашув ташкил этди. Мана энди миянгда неки ҳаёл, фикру иддао бўлса, марҳамат айтавер, аслида тасаввурингдаги қаҳрамонлар қай тахлит яратилганини адибнинг ўзидан эшитасан... Эсимда, ўша гурунғ ҳеч кимни бефарқ қолдирмади, ҳамма “ловиллаб” турган юрагини бўшатди, кетма-кет саволлар ёғилди, меҳмон ҳам “чертиб-чертиб” жавоблар айтди. Ҳаммасидан учрашув хотимаси зўр бўлди: ёзувчининг қўлидан дасхат битилган китоблар олиш, бирга сураатга тушиш, кўнгилдаги гапларни айтиш имконияти... Мана бу ҳақиқий дарс, адабиёт, ҳаёт дарси эди!


Бошқа сафар ҳаммамизни тўплаб, кинооператор Абдурахим Исмоиловнинг устахонасига олиб борди. Анча йиллар бурун сураатга олинган кинорежиссёр Али Ҳамроевнинг “Еттинчи ўк” фильмининг томоша қилдик. Фильм узок муддат шахсига қора қизик тортилган босмачилар ҳаётига бағишланган эди. Бошқаларни билмадим, камина диққинафас бўлдим: “Ҳозир шу фильм нега керак? Ахир, бугун бошқача замон-ку!...” Йўқ, керак экан, яқин ўттишимиз ҳақидаги аччиқ ҳақиқатларни билиш, “ялло” қилиб юрган замонимизга осонликча эришилмаганини аниглаш учун ҳам керак экан! Буям домланинг билгичлиги, мушоҳадаси кенглигидан далолат эди.

Бундай учрашувлар жуда кўп бўларди. Ҳозир буларнинг бари гўзал хотира бўлиб қўз ўнгимдан ўтади.

Тоир Исмоловнинг мунаққидлик фаолияти эса, алоҳида мавзу. Назаримда, домланинг фидойилигини яққол кўрсата-

диган жихат ҳам бу – танкидчилик. Спектакль муҳокамаларида мана-ман деган режиссёру актёрлар ҳам Тоир Исмоловнинг ўткир танкидларидан ҳайиқиб турар, дўст ачитиб гапирар деганларидек, домла ҳам бўямай-бежамай, бор гапни шартга айттарди-қўярди. Лекин танкидлари мутлақо беғараз, самимий, дўстона, энг муҳими, асосли бўларди. Тоир домла театрга чексиз муҳаббат қўйгани боис унинг манфати учун ёниб-қуяр, кимнидир ранжитиб бўлса-да, ҳақ гапни айтишни, виждон амри ила иш тутишни ҳаётий аъмоли деб биларди. Очиғи, шу феъл ила домлани хушламайдиган театрчилар ҳам кўп эди. Аммо домла бунга эътибор бермасди. Агар оғзаки танкид таъсир қилмаса ё ичидаги гапни айтолмаса, матбуотга мақола ёзар, шу йўл билан касбга бўлган садоқатини намоён этарди. Айниқса, кейинги йилларда эълон қилинган “Янги мавсум ўйлари”, “Бир асарнинг икки талқини” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси), “Замонавий драматургия борми ўзи?”, “Ўтмаган “Ўтган кунлар” (“Хуррият” газетаси), “Биз соғинган анъаналар” (“Театр” журна) каби мақола-ларида замонавий театрда кечаётган жараёнлар рўй-рост таҳлил қилинди, ҳолис ва ҳаққоний фикр билдирилди. Афсус, ушбу мақолаларга театр жамоатчилиги бирор-бир муносабат билдирмади, айtilган қамчиликлар давом этаверди, домла ҳам шаштини сусайтирмай, Чўлпон бобо айтмоқчи, “Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси” дея пайдар-пай мақолалар ёзаверди, ўзбек театрида янги давр бошланиши, унутилаётган анъаналар қайта тикланишига умид қилиб яшайди.

Тоир Исмолов сохта мактовни, ёлгон қарсақларни ёқтирмасди, биз шогирдларни ҳам рост гапни айтишга чақирарди. Миллий театрда қўйилган бир спектаклни ўзимча алқаб, тақриз ёзганимда, домланинг азбаройи жажли чикди: “Э, хумпар... ўша сен мактаган спектаклни авра-астарини чиқариб ташласа бўлади. Нимасига алдандинг ўша томошанинг? Агар шу йўлдан кетмоқчи бўлсанг, фақат ҳақиқатни ёз”. “Ҳа, энди, домла айтди-қўйди-да”, дея ичимдан ўтказдим. Вақт ўтаверган билдимки, виждонни алдаб бўлмас экан, борини бор, йўқни йўқ дейиш фидойиликнинг бош мезони экан.



Илмий ишимнинг мавзусини танлаб олишимда ҳам Тоир домланинг маслаҳати асқотди. “Хўш, нима мавзуда ёзмоқчи-сан ўзи?”, дея сўради бир кун. “Театрда инсценировка масалаларига қизиқаман”, сал қаловланиб жавоб бердим. Домланинг юзида мамнуният сездим: “Илмда қизиқишнинг ўзи етарли эмас. Яхши мавзу, фақат жиддий ишлаш керак”. Орадан бир неча кун ўтиб, дарсдан кейин айтиб қолди: “Ўзбектеатр”да ишлайдиган архивчи опа билан гаплашиб қўйдим. Бориб материалларингни йиг”. Дастлаб бакалаврият, сўнг магистрлик ишимни шу мавзуда ёқладим. Ҳаммасида у кишининг маслаҳатларига таяндим. Тақдирни қарангки, ўшанда устоз пойдеворни қўйиб берган экан, бугун докторантурада ҳам шу мавзунинг давом эттиряпман.

Мен ва менга тенгдош авлод Тоир Исмолов ҳаёти ва фаолиятининг сўнгги беш-олти йилга гувоҳ бўлдик, ҳолос. Устознинг яна биз билмаган не-не фазилатлари бор. Бу ҳақида қатта авлод вакиллари яхши билишади. Бироқ шу қисқа вақт ичида ҳам Тоир Исмолов биз шогирдлар қалбига ўчмас из қолдирди. Ишончим қомил, бир умр ҳақиқатни алқаб, виждонда собит қолган Тоир Исмоловнинг порлоқ хотираси ҳеч қачон унутилмайди... Зеро, домланинг юраги бедор, тафаккури уйғоқ эди, бундай шахсларни унутиб бўлмайди.

Шоҳруҳ АБДУРАХУЛОВ,
санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори

Эътироф

Кейинги йилларда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасида фаолият юритиб келаётган устозлар меҳнатига эътибор ортиб бормоқда. Кунин-кеча Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида миллий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ижодкор зиёли-ўқитувчиларнинг илмий унвонлар билан тақдирлангани фикримизга далилидир.

УСТОЗЛАР ХИЗМАТИ ЭЪТИБОРДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусика санъати институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида биноан, 2020 – 2021 ўқув йилидан бошлаб Маданият вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида фаолият юритиб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг ижодий фаолияти натижалари “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”, “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”, “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси”, “Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи” фахрий унвонлари профессор илмий унвонига, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ҳодими” унвонлари эса, доцент илмий даражасига тенглаштирилди.

Ижодкорларни тақдирлаш маросими муносабати билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда маданият, санъат, адабиёт вакилларини ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Тадбирда санъат йўналишидаги устоз санъаткорларнинг 24 нафарига профессорлик, 27 нафарига доцентлик илмий гувоҳномалари топширилди. Профессорлик илмий унвонига лойиқ топилган устоз санъаткорлар қаторида Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Гавҳар Зокирова, Алишер Икромов, Қозим Қанонов, Абдухашим Исмоилов, Озодбек Назарбеков ва бошқа миллий санъатимиз даргалари бор.

– Биз жуда бахтли санъаткорлармиз, – деди Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров. – Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилди. Аслида эстрада жуда масъулиятли ва мураккаб йўналиш. Ёшларга мазкур йўналишда сабоқ беришга қўлдан келганича ҳаракат қилияпмиз. Мана, бугун кўпчилигимиз илмий даражаларга сазовор бўлиб турибмиз. Бундан буён ҳам кучимиз борича миллий санъатимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшишга тайёرمىз.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда янгиланиш жараёни давом этаётганини таъкидлаб, ижодкор зиёлиларга кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирдилар.



САЙҚАЛЛАНИШИ

Бўлажак шоирнинг онаси Тошбиби Шоюсуф кизи Ғулом Мирзага турмушга чиқишидан аввал ҳам оила қўрган эди. Унинг марҳум эридан туғилган фарзанди – Рихси шу олти нафар “еярман-ичарман”га мураббий бўлиб қолади. У шу вақтларда ўн саккиз ёшга кирган бўлиб, тошкентлик машҳур бойлардан бири – Муборак Сидикмуҳамедовнинг универсал магазинида хизмат қилар эди. Рихси қорининг приказчилик ораксидеа топган пули баракасиз бўлгани учун бўлажак шоирнинг она ва онаси ҳам дўппи ва қийиқ тикиб, унга ёрдамлаша бошлаганлар.

“Отам, – деб ёзган Гафур Ғулом “Кечмиш ва кечирмишларим” сарлавҳали таржимаи ҳолида, – дурустгина саводли, ўзбекча, тожикчани яхши билар ва унча-мунча русча ҳам сўзлашар экан. Шаҳар ичида кишиларга ариза, справкалар ёзиб бериб юрар, шунинг учун ҳам исмига “Мирза” деган лақаб қўшимча бўлган экан.

Отам адабиёт билан жуда қизиқар экан. Уйимизга ўзбек шоирлари ва хаттоғларидан Хислат, Шомурод қотиб ва бошқалар келиб юрганини эс-эс биламан. Фаргона водийсидан келадиган шоирлар ҳам: Муқимий, Тошхўжа Асирий, Фуркат, Мухйи ва бошқаларнинг бизникига кўп келганларини айтадилар. Отам “Мирза” ва “Ғулом” тахаллуслари билан талай шеърлар ёзган. Лекин булар бир ерга тўпланиб ё бўлма-са босилиб чиқкан эмас. Сўнгги йилларда амаким (отамнинг кичик укаси) Мирза Абдулла Мирза Ориф ўғли “Мирза” тахаллусини ўзиники қилиб олиб, шеърлар ёзар эди. Унинг “Баёзи Мирзо” деган китоби 1913 (1331 хижрий) йилда Тошкентда “Ғуломия” босмахонасида босилган”.

Гафур Ғуломнинг онаси Тошбиби ҳам ўзбек ва тожик тилларидаги ғазалларни ўқиб, англай оладиган зеҳнли аёллардан эди. У ўзбек халқ оғзаки ижоди-га ихлос қўйиб, халқ термалари вазнида унча-мунча шеърлар айтиб юргани учун эрининг вафотига бағишлаб марсия ҳам ёзган. (Бу марсия сўзлари узок вақтларгача шоирнинг қўлоғидан кетмаган.) Бўлажак шоир шу пайтда тўққиз ёшда бўлганига қарамай, хат-саводи чиққан, Навоий, Ҳофиз ва Саъдийларни бемалол ўқир, чиройлигина хаги ҳам бор эди.

Гафур Ғулом Қўрғонтеги маҳалласидаги Ҳасанбой домланинг мактабида Бедилдан “Маслак”ка ўтиб, уни ҳам тугатган эди. Агар шу маҳаллалик Абдурахмон пари деб аталган боланинг ўн олти

йилда ҳам “Ҳафтияк”дан нарига ўтолмаганини эсласак, Гафурнинг зийрак ва зукко бола бўлгани ойдинлашади. Унинг хатли-саводли бўлишига бошда отаси, кейин эса онаси сабабчи бўлганлар. Бинобарин, Гафур Ғуломнинг Гафур Ғулом бўлишида отаси Ғулом Мирза билан онаси Тошбибининг хизматлари қаттадир.

Шу ўринда камина бир нарсани четлаб ўтишни ўзимга эп кўрмадим. Гап шундаки, Гафур Ғулом Тошкентда, ўзбеклардан иборат аҳоли орасида туғилгани ва улғайганига қарамай, форс ва араб тилларидан хабардор бўлган, айниқса, форс-тожик тилини яхши билган. Буни фақат бир нарса билан изоҳлаш мумкин: у, менинчга, маҳалласидаги Ҳасанбой домланинг мадрасасида ўқиган ва форс-тожик тилини шу ерда пухта ўрганиб чиққан. Аммо совет даврида шоир, олим ёки ўқитувчининг мадраса таълимини кўрганлиги ҳақида бирор сўзни айтишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам Гафур Ғулом таржимаи ҳолида мадрасада эмас, балки эски мактабда ўқиганлигини айтган.

Шоирнинг Ойбекка бағишланган мақоласидаги қуйидаги сўзларни ҳам шу тарзда тушуниш, менинчга, тўғри бўлади:

“Ойбек, – деган эди Гафур Ғулом, — Дегрез мактабида, мен Қўрғонтеги мактабида бошлангич эски



Гафур Ғулом қизи Олмос билан.

тахсилни олдик. Кейин у “Намуна ” мактабига, мен “Ҳаёт” мактабига кирдим”.

Гафур Ғулом “эски таҳсил” деганда мадраса таълимини назарда тутган десак, шояд хато бўлмайди.

Хуллас, Рихси қорининг йилига 20 сўм бериладиган приказчилик маоши оила рўзгорига урвоқ ҳам бўлмай қолади. Бунинг устига, Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан нарх-наво осмон баравар кўтарилиб, пулнинг қадри кетади.

“Энди биздай камбағал, афтодаҳол, қўл учи билан кун кўрадиганларнинг холи қандай бўлади? Катта бойлар жуда ҳам бойиб, кичик бойлар синиб турган вақт, рус пролетариатининг подшога нисбатан ғазаби ошиб, қоши чимирилган замон... Мочаловларнинг обрўси қолмаган...”

Гафур Ғулом Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан халқ турмуши, шу жумладан, ўз оиласининг турмушидан барака кетган кезларни шундай эслайди.

Бўлажак шоир замоннинг оқимида шундай ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда Мулла Муборакнинг болалари қатори Ўқчидаги “Ҳаёт” мактабига катнаб, Тошкент жадидларидан сабоқ ола бошлайди. У мазкур мактабда бир йил ўқидими ё йўқми, большевиклар Туркистонда ҳокимиятнинг ўз қўлларига оладилар. Бошқа тошкентлик бойлар қатори, Мулла Муборакнинг давлати ҳам барбод бўлади. Рихси қорининг 20 сўм маошлик ишини ҳам Худо кўп кўради. Энди бутун оила яқтан ва яқжон бўлиб, “тириклик ўпқони”га ямоқ ахтара бошлайди.

“Мен мана шу кундан бошлаб чин ҳаёт кўчасига қираман. Акам билан Самарканд дарвозадан ўрик, олма, бодринг кўтариб, Янги шаҳарнинг кўчаларини айланиб, сота бошлаймиз. Куз келиб, бу ҳам фойдасиз бўлади. Акам “Тамерлан” хусусий тамаки фабрикасига ишга кириб, мени ҳам ёнига олади. Мен гильзага тамаки тўлдиршни ўрганиб, ишлай бошлайман. Аста-аста бу хунар бизнинг уйга кириб, онам, опам, укаларим ҳам гильзага тамаки тўлдириб, акамга ёрдамлаша бошлаймиз. Очиқ, қимматчилик йиллари бошланади. Онам ҳам ўлади. Акам қасалланади. Бутун тирикликни рўзгор

Олтиариқ хангомаларидан

ҲОКИМНАЗАР ГЎЛ УРМАГУНЧА ҲҲИН ТУГАМАЙДИ...

АнварОБИДЖОН



Касалхонада даволанаётган Одил акага дўхтир бундан буён спиртли ичимликларга яқин йўламасликни тайинлабди. Одил аканинг бу гапдан капалаги учиб: “Нима-а? Умуман ичмаслигим керакми?” – дея наъра тортган экан, унинг овчиликка ҳавасмандлигини яхши билган дўхтир: “Жуда кўмсаб колсангиз, ана борингки, овга чиққан пайтда оз-моз ичишингиз мумкин”, деб сал ён берибди.

Одил ака касалхонадан чиққач, шаробхўрликни яна кунига давом эттираверибди. Бироқ аввалгидан фарқи шуки, энди у уйда ҳам,

мехмондорчиликда ҳам елкага милтқиқ тақиб ўтириб ичадиган бўлибди.

Олтиариқ бодринг ва турупдан ташкари новвотгаъм узумлари билан ҳам донг таратган.

Абдулла кизик енгил машинаси-га ўн яшиқ узум босиб, Марғилон бозорига олиб борибди. Кўпга таниқли бўлгани учун гоҳ униси, гоҳ буниси кучоқ очиб келиб, у билан куюқ кўришаверибди. Бунақа харидорлардан пул олишга кимнинг ҳам бети чидарди, ўн яшиқ узумдан тўққиз яшиғи “кадрдон”ларни сийлашга кетибди. Ёнидаги олмафуруш: “Худо берган йигитсиз-да, каерга борманг, хурматдасиз” деса, Абдулла кизик лоҳас жавоб килибди:

– Ҳа, хурмат қиладиганларнинг кўплиги катта бахт... агар узум сотмаётган бўлсанг.

Хонқизлик Ҳошим танбур полосонлик Мамадали ғижжакни мехмонга чақирибди. Ўтиришда буниси танбурни, униси ғижжакни турли ривоятдан асосида кўпиртиб макташга тушибди. Иттифоқо, шу даврада Абдулла кассоб ҳам ўтирган экан. Унинг Аъзамбой деган ўғли армиядан гитара чалишни ўрганиб келиб, қўшнилари кўп бесаранжом қилганини кискача

айтиб ўтгач, кўз юмиб тебранган-нича дебди:

– Оҳ,оҳ,оҳ! Мен сизларга айтсам, азизлар, аямай деворга урилса, гитарадан ҳам ниҳоятда ширали овоз чиқаркан.

Абдубанноб Охунжоний ошнаси Одил Бобойнинг уйига борса, ковок-тумшуғи осилиб ўтирганмиш. Боисини сўраган экан, Одил ака: “Уришқоқ даканг хўрозим тўсатдан ўлиб қолди”, деб мунгла-нибди. Ҳозир келаман, деб чиқиб кетган Абдубанноб ака бирпасдан сўнг йигирматача одамни ортидан эргаштириб қайтибди. Уй эгасининг энсаси қотиб: “Булар ким?” – деб сўраса, Абдубанноб ака шундай изох берибди:

– Буниси мулла, буниси ювғичи, буниси ғўрков, қолганлари жанозачилар...

Раҳмон аканинг оғзидан сигарет ариганини кўриш хали ҳеч кимга насиб этмаган. Исмининг ортига “сигарет” лақаби қўшиб айтиладиган зот Олтиариқ бўйича битталигидан Полосон аҳли ғурурланиб юради.

Айтишларича, у ухлаган чоғда, хуморбосдиға ис олиб туриш учун, сигарети сўнган муштукни тишлаб ётаркан. Сартарош унинг ўнг юзидан соқолни қираётган-

нида, сигаретни оғзининг чап томонига олиб тураркан. Ҳаммомга тушса, оғзидан сигаретни ҳўл қилмаслик учун фақат жағидан пастинни ювар экан...

Бир куни Раҳмон-сигарет томорқасидаги баланд ёнғокнинг устига чиқиб мева қоқини бошлабди-ю, туйқус оёғи тойиб, гурсиллаганича ерга йиқилибди. Уйдагилар югуриб боришса, иланғижон аҳволда ётган одам лаб орасидаги ўчик сигаретни бир-икки тортиб кўриб: “Тугурт чакворингла-а-р”, дермиш.

Доврукли ишбилармон Ҳокимназарбек футболнинг ашаддий ишқибози, ўзи қойилмақом хужумчилардан. Полосон қишлоғига ўз маблағи ҳисобидан ҳашаматли стадион ҳам қуриб берди.

Бир куни қарасам, қишлоқ командасининг ўйновчи тренери Тиллабат оқсаб юрибди. Сабабини сўраган эдим, кеча беш ярим тайм футбол ўйнаб, оёғимда оёқ қолмади, деди. Футбол дегани икки тайм ўйналарди шекилли, десам, у ковок уйганича жавоб қилди:

– Бошқа жойларда шунақа. Бизда то Ҳокимназар гўл урмагунча ўйин тугамайди...

Бозор Эгам икки гапга уч сўқиш қўшиб ишлатадиган киши бўлгани учун “кантовуз” (канд оғиз) деган лақаб орттирган эди. Йигитлигида ота-онаси бир кизга “оқ кийиб”, фотиҳа тўйига ҳозирлик қўришаётганида, бўлажак келиннинг қариндоши уни йўлда тўхтатиб: “Эшитишимча, оғзингиз пешароқ эмиш, укам. Энди сал эпаккага келинг, тили ёмон эрқакка хотин чидамайди”, деб насихат қилибди. Шунда Бозор-кантовуз ўзини зўр бериб оқлашга тушибди:

– Тўғри, бўш қўйилса, бу онанг-ни эмгур тил одамни пашшанинг қотидан ўтказиб, бурганинг липпасидан чиқаради. Лоқин, бизда бунақа хунаса одат йўқ... Ўзи мени сизга қайси энагар ёмонлади?

Кўшимиз Тўравой тоға ҳалол, ҳақиқатчи, айни чоғда, чўртқесар, сўзи қўпол киши эди. Ўзидан каттароқларни ҳисобга олмаганда, ҳаммани бирдек сенсирарди.

Тўравой тоға қолхозда бригадирлигида унинг қўлида кўп вақт ишлаган Хусанбой-туядан шундай бир таърифни эшитган эдим:

– Тўравой ака тушмагур одамлар ишлаётган жойга бориб қолса, “ҳорманглар” десам ҳам сизлаганга ўтиши мумкин деб, “ҳорма ҳамманг”, дер эди.

Гўл кўп, чаман кўп...



“Алиса мўъжизалар мамлақатида” асарининг муаллифи, қизалоқларни суратга туширишни яхши кўрган Льюис Кэрролл таҳаллусли Чарльз Лютвич Доджсон атоқли математик, файласуф, ихтирочи ва фотосуратчи бўлган. Аммо у жаҳонда “Алиса мўъжизалар мамлақатида” ва “Алиса кўзгу орти ўлкасида” номли эртаклари билан танилган.

МАШАҚҚАТЛИ БОЛАЛИК

Бўлажак ёзувчи роҳиб оиласида дунёга келади, бу оилада ундан ташкари уч ўғил ва етти қиз бор эди. Тўнгич фарзанд бўлгани учун Чарльзни отасининг ўзи қаттиққўллик билан тарбиялайди. Чапакай бўлгани учун отаси уни ўнг қўлда ёзишга мажбурлайди. Болаликдан рухий зўриқишлар таъсирида улғайган Чарльз дудукланиб сўзлайдиган ва ўнг қўлига яхши эшитмайдиган бўлиб қолади. Кексайгани сари унда турли касалликлар пайдо бўлиши ҳам болалиқдаги қийинчиликлардан эканини ёзувчининг ўзи тасдиқлайди.

У РОҲИБ БЎЛМАДИ

У отасининг изидан кетди, аммо роҳиб бўлмади. Эҳтимол, бунга театрга муҳаббати сабаб бўлгандир. Доджсонлар оиласининг бир неча авлоди диндор бўлган ва ёш Чарльзни ҳам черков хизматиға тайёрлашган, ҳатто Оксфорд коллежи – Крайст-Чёрч (“Исонинг черкови”)да таълим олишга юборишган. Ўқиш даврида “Алиса”нинг муаллифи математикаға қобилияти билан отасини ҳайратга солади ва коллежда ўқитувчи бўлиб қолади. Қолаверса, унинг театрга қизиқиши ҳам оиласидегиларнинг ҳафсаласини пир қилади, чунки бу оиладан ҳеч ким бирон марта театрга бормаган, буни ўзларига муносиб кўришмаган.

АЛИСАЛАР

Унинг ҳаётида иккита Алиса бўлгани маълум. Кўпчиликка маълумки, мўъжизалар мамлақатиға тушиб қолган Алисанинг ҳаётдаги прототипи Алиса Лидделл, коллеж деканининг қизи эди.

Аммо “Алиса кўзгу орти ўлкасида” эртагини ёзишга илҳом берган бошқа қизалоқ Алисанинг беш ёшли жияни Теодора Рейксдир. Ёзувчи ҳаётини ўрганган мутахассисларнинг фикрича, бу асар ёзилган вақтда у Лидделлар оиласидан узоклашган экан.

ЁЗУВЧИНИНГ БОШ КИТОБИ

Кэрролл умрининг охирида нариги дунё таъвишини қилиб, Худонинг қаҳрини келтирмаслик учун “ҳаётнинг бош китобини” – 800 саҳифалик “Сильви ва Бруно” романини ёзади. Бу китоб фан, поэзия, пародия, рухий тадқиқотлар ва романтик қарашлар қоришмасидан, панд-насихатлардан иборат бўлгани учун муваффақиятсизликка учрайди. Чарльз Доджсоннинг жамиятдаги обрў-эътибори боис 1890 йилларда нашрдан чиққан китобнинг бор-йўғи 13 000 донасигина сотилади, ҳолос.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, Ўзбекистон халқ шоири, Уюшма раиси Сирожиiddин Саййидга онаси

Холби Насриддин қизи САИДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди бошқарув кенгаши Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййидга онаси

Холби Насриддин қизи САИДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти

Толиб КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Мухсин ҒАНИЕВ

Болалар бекати



Ж.ж.ж.

Жияни бўлдим, шу он Ҳаммамиз хурсанд, шодон, Дилда қолмади армон – Унинг исми – Ўктамжон!

Энди тўйлар қиламиз, Ҳаммамиз бўлиб аҳил. Новвосларни сўямиз, Амма бўлдим мен, ахир!

Ичига сиғмас акам, Ўғиллик бўлдим, дея. Жуда хурсанддир дадам, Невара кўрдим, дея,

Елиб-югурар бувам: Ўйшимсиз, қизим, деб. Кўзлари ёшга тўлиб, Чевара кўрдим, дея.

А.а.ж.ж.ж.

Акаларим жуда кўп, Гапирсам, гап тугамас. Лекин ҳеч қайси бири Айтганимни тингламас.

Бирин қўлда телефон, Бириси ўйнар футбол. Мехрларига зорсиз, Хуллас, мен яққа-ёлғиз.

Лекин энг кичик акам Ҳеч нега қилмайди зор. Бокка олиб борар ҳам Шеърларим тинглар тақрор.

Ўзи бир ёш катта-ю Ҳамма ишга топар вақт. Айтганимни қилар у, Ёзган шеърим – ҳақиқат!

Шириной СУЛТОНОВА,
Қува тумани 32-мактаб
6-синф ўқувчиси

Тўғри гап туққанингга ёқмаса

Табиатан Тохир оғир, мўмин-қобил ва тўғрисўз йигит. Қитмирликни, бировни ғийбат қилиш ё макташни ёқтирмайди. Бошқалардан фарқи ўлароқ, кўп китоб ўқийди, физикаға қизиқади.

Мактабини битиргач, ўқишга кириш ўрни-ға физика-математика институтида ишлашни маъқул топади. Лекин отаси Тўлқин ака Ғайрат исмли дўсти раҳбар бўлган қорхонаға ишга жойламоқчи бўлиб, ўғлини унинг хузуриға юборди. Тохир боргиси келмаса-да, лекин ота гапини икки қилмаслик учун йўл олди. Бироқ Ғайратнинг суҳбатдан ўтолмай, ишга қабул қилинмагани учун уйда отасининг фиғони фалакка чиқиб, анча гап эшитди.

– Менга қара, дўстимнинг ишхонаси-ға юборсам, мени шарманда қилибсан-ку, ярамас!..

Тохир ғуноҳи нимада эканини тушунмаса-да, лекин бошини эгиб:

– Нима қилибман? – деб сўради.
– Кўзимга қараб, нима қилдим, дейди-я!
– Дада, мен нима ёмонлик қилибман?
– Ўзингни гўлликка солма...
– Айб қилган бўлсам, майли уринг, сўқинг. Лекин ғуноҳим нима? Тушунмаяпман.
– Қаллангга бир соламан, шунда тушуниб қоласан!

– Ўтинаман, айтинг, нима бўлди?
– Қилғилиқни қилиб, яна нима бўлди, дейди-я! Ғайратта нима дединг, қаллаварам?
– Ҳеч нарса?
– Бу ёққа қара, аҳмоқ, нега у менга ачиниш ва қуйиниб гапиради?!
– Билмадим.
– У сенга нима деди?
– Бир-иккита савол берди, ҳолос.
– Сен-чи?
– Мен жавоб бердим.
– Қойил қилиб жавоб берибсан, тентак!..

– Нима дебман?..
– Галварс, буни сендан сўраш-шим керак. Ахир, мени шарманда қилдинг-ку!.. Хўш, у сендан нима сўради?
– Исмим, туғилган йилим, яшаш манзилимни...
– Галварс: “ичасизми” деса, “ичаман” дебсан-ку!..
– Ҳа, ахир, мол ҳам, қўй ҳам, ит ҳам сув ичади-ку. Дунёда ичмайди-ган одамнинг ўзи борми?
– Қаллаварам, ичкилик ичмасанг, нега ичаман дейсан?
– Маъданли сув, чой ва лимонад ичаман. Мумкинмасми?

Хажвия

– Бошқа нарса ичмайсанми?
– Минерал сув ва чой ичкиликка қирмайди-ми?..
– Галварс, одамлар ичкилик деганида, одатда, спиртли ичимликни назарда тутишади.
– Бўлмаса, ўзи: “Спиртли ичимлик ичасиз-ми?” деб сўрасин эди. Шунда: “Ичмайман!” деб жавоб берардим.
– Энди менга ақл ўргатишинг қолувди, – деди Тўлқин ака, ўғлининг ҳақ эканини тан олгиси келмай.

– Хўш, бўлмаса, нега: “Юрасизми?” деб сўраса, “юрарман” дейсан?.. Бу этмаганидай: “Ким билан?” деса, “Тўғри келгани билан” дебсан. Бу гапингдан дўстимнинг, унинг гапидан менинг сочим тикка бўлди. Бунчалик шилқим-лигини билмас эканман. Кимга тортдинг? Ғайрат дўстим менга: “Ўғлинг учига чиққан шилқим экан. Ишга олсам, қорхонадаги бирорта қиз-жувонни тинч қўймайди деб, ишга олишдан бош тортди. Бу ҳам майли, муҳими, у бу гапни эл орасида ёйиб юборса, сенга на иш,



– Ичасизми?
– Ҳа ичаман.
– Юрасизми.
– Ҳа...

Тахририятга келган кўлғемалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир Шўхрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адали - 1107. Буюртма Ғ - 738.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ”
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент-100066,
Бунёкдор кўчаси, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош
муҳаррир
Ҳумоюн
АКБАРОВ